



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (12.915)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЯНГИ ИХТИРОЛАР ВА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР МАЙДОНИ

«Ўзэкспомарказ»да 19-21 май кунлари VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтади.

Жаҳон бозорида рақобат қулайиб бораётган бугунги кунда иқтисодий инновацион ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорлари бу борада муҳим дастуруламал бўлаётди.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси янги ишланма ва ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, иқтисодий инновацион ишчилик, маҳсулотлар тури, ҳажми ва сифатини ошириш, экспорт салоҳиятини янада юксалтириш имконини бермоқда.

Мақсуд ярмарка самарасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг мустаҳкам механизми яратилди. У илмий фаолият натижаларини амалда қўллаш таъминлайди. Бунинг натижасида янги, замонавий ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилади. Шу билан бирга, аниқ қорхоналар, тармоқлар ва алоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг буюртмалари асосида инновация фаолияти янада ривожланади.

2008-2014 йиллар давомида ўтказилган ярмаркаларда юртимиз олимлари томонидан яратилган 3500 дан зиёд инновацион ғоя ва ишланмалар, технологиялар намойиш этилди, умумий қиймати 86,8 миллиард сўмлик 2900 дан ортиқ шартнома имзоланди. Натижада бир триллион сўмдан зиёд қийматдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

(Давоми 2-бетда)

ОГОҲЛИК, СЕЗГИРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрлари катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Туркистон» саройида ташкил этилган тадбирда таълим ва маънавият фидойилари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, ўқитувчилар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти проректори А.Маврулов, Иккинчи жаҳон уруши фахрийси М.Меркелова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Д.Сиддиқова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш масаласи ўзқни қўлаб олиб борилаётган одилона сиёсат жараёнида устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

«Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури доирасида нурунийларнинг умрига умр қўиш, уларнинг кўнглини кўтариш, ижтимоий таъминот, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга оид амалий чора-тадбирлар кўлини янада кенгайтириш, буларнинг барчаси катта авлод вакиллари ҳизматини кўрсатиш истиқлол йилларида янгича маъна-мазмун билан бойиб бораётганининг яна бир ёрқин амалий ифодасидир.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кескин ва мураккаб замонда фашизм, шовинизм, сепаратизм, диний ақидапарастилик каби таҳдидлар турли қўриқларда бош кўтараётгани, аввало, ёшларнинг онгу шуурини захарлаётгани, тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётгани, айрим давлатлардаги тараққиётни кўп йиллар ортга суриб ташлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, буларнинг барчаси доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, Ватан тинчлиги, осойишталиги, унинг эртанги кунини, порлоқ истиқболни учун масъулиятни астойдил ҳис этишга, доимо шукроналик туйғуси билан яшашга, тинчлик деб аталмиш бебаҳо неъматнинг, истиқлол ато этган улкан имкониятларнинг қадрига етишга, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

Тадбирда Ўртбошимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кuni билдирган фикрларининг аҳамияти ва моҳиятини ўқув даргоҳлари, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида аҳоли, айниса, ёшларга содда ва раво, таъсирчан, ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтиришга оид долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Йигилишда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқди.
Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Банк-молия академиясида инновация-инвестиция фаолиятини янада такомиллаштиришда банк-молия секторининг иштирокини кенгайтиришга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИГИ ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари М.Мирзоев, Банк-молия академияси ректори вазифасини бажарувчи А.Бекмуродов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама пухта ўйланган бюджет-солиқ, фаол инновация-инвестиция сиёсатини юритиш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларида модернизациялаш дастурларини ижро этиш, маҳсулотларнинг инновациялар бўйича салоҳиятини ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда мутаносибликни таъминлаш эвазига ўтган йилларда мамлакатимизда макро-иқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланганлигини таъкидлади.

Банк тизимини ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва барқарорлигини ошириш ҳам доимий эътиборда. Бугунги кунда бу борада амалга оширилаётган дастурларда банкларнинг барқарорлигини ошириш, банклар капиталига қўшимча инвестициялар жалб этиш, уларнинг фаолиятини ҳалқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш, кўрсатилган банк хизматлари ҳажмининг янада кенгайтириш ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш асосий йўналишлар этиб белгиланган.

Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва инвестиция муҳитининг жозибдорлигини ошириш мақсадида йилдан-йилга солиқ юки камайитириб боришмоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда аҳоли реал даромадлари ўсишига қўмаклашадиган, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўлаб-қувватлашга асос бўлиб хизмат қиладиган кенг қўламли солиқ ислохотлари амалга оширилмоқда.

Анжуманда олимлар ва банк-молия соҳасининг етакчи мутахассислари иқтисодийнинг реал сектори қорхоналарини модернизациялашда банк-молия институтлари иштирокининг долзарб масалалари, банк-молия соҳаси барқарор ривожланишида, инвестицион фаолиятини кучайтиришда банкларнинг ликвидлигини ошириш, молия-кредит муассасалари томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги қорхоналар ва иш ўринларини ташкил этишдаги иштирокини янада фаоллаштириш, микромолиявий ташкилотлар, лизинг, сугурта ва пенсия фондларининг инвестицион манба сифатида фаолиятини олиб бориш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА муҳбири

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ НИЗОМИНИНГ IV МОДДАСИГА МУВОФИҚ, 2015 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ДОИРАСИДА ХВЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МИССИЯСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Халқаро валюта жамғармасининг жаноб Ражи Альмарзоки раҳбарлигидаги миссияси 2015 йилнинг 29 апрель — 12 май кунлари IV Моддага мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар ўтказиш учун Тошкентда бўлди.

Ражи Альмарзоки миссия иши якунлари тўғрисида қуйидагича баёнот берди:

«Ўзбекистон иқтисодиёти Европа ва Россиядаги иқтисодий фаоллиқнинг сустлиги, шунингдек, нефть нархи паслиги билан ифодаланган мураккаб ташқи шaroитда ҳам ўз барқарорлигини намойен этмоқда. 2014 йилда иқтисодийнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этди ва бундай юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди. 2015 йилнинг биринчи чора-ғида янги ички маҳсулот 7,5 фоиз ўсди. Давлат томонидан катта ҳажмда инвестициялар сарфланаётгани ва газ экспортини Россиядан Хитойга қайта йўналтириш стратегияси ушбу босқичда мамлакат иқтисодиётини минтақанинг бошқа давлатларида рўй бераётган секинлашадиган ҳимоя қилди. Ташқи иқтисодий макве муносабатлари ҳамда қўшимча, аммо жорий операциялар ҳисоб-китоби бўйича профицит ҳажми камайган. ХВЖ ходимлари томонидан истеъмол нархлари индексини ҳисоблашнинг муқимбил услуби асосида ҳисоблаб чиқилган иллий инфляция даражаси 2015 йилнинг март ойини ҳам қўшганда бир рақамли кўрсаткичга пайсайдига тахминан 9 фоизни ташкил этди.

Солиқ-бюджет сиёсати ҳар доимгидек пухта амалга оширилмоқда. 2014 йилда бирлаштирилган бюджетда кичик профицит юзга келгандан сўнг, 2015 йилнинг биринчи чора-ғи якунлари бўйича бюджет ижроси мувозанати таъминланди. Бу бюджетда кўзда тутилгандан кам маблағ сарфлангани билан боғлиқдир. Инвестициялар ҳамон давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Пул-кредит сиёсати ҳам мослашувчанлик даражасида сақланиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йилнинг январь ойидан асосий ставкани, қайта молиялаш-

тириш ставкасини 12 фоиздан 9 фоизга туширди. Иқтисодиётда кредитлар ҳажми юқориликча қолмоқда. Ўзбек сўмини алмаштириш курсининг пайсий суръатлари Ўзбекистоннинг савдо шериклари бўлган мамлакатлар валютасига нисбатан анча паст.

Банк сектори барқарорлик, изчил капиталлашув ва юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолмоқда. 2014 йилда гаров таъминотини рўйхатга олишнинг марказлаштирилган тизими жорий этилган молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш имконини берди.

Келгуси истиқбол ҳақида сўз борганда, шунингдек, керакки, 2015 йилда иқтисодий ўсиш, қўллангидек юқори бўлади. Бунга яқинда қабул қилинган саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, шунингдек, таркибий ислохотларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётда давлатнинг ролини камайитириш имконини берадиган хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари самарасида эришилади. Шундай бўлса-да, қисқа муддатли даврда иқтисодиётда салбий таъсирларни юмшатиш имконини беради.

Аҳоли барча қатламлари манфаатларига хизмат қиладиган барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари хусусий секторини изчил ривожлантиришнинг рағбатлантиришга асосланган. Бунда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, корпоратив бошқарув ва ошқо-

ралик принципларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Расмий идоралар хусусий секторни изчил ривожлантиришнинг аҳамиятини яхши тушунади. Расмий идораларнинг таъкидлашча, валютани назорат қилиш чораларини юмшатиш, асосий инфратузилма ва хомашё ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, хусусий мулк ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, лицензия ва рухсат беришни расмийлаштириш билан боғлиқ тартиб-таомиллар, мuddат ва харажатларни камайитириш, шунингдек, хусусий экспортчиларни қўлаб-қувватлаш орқали хусусий секторни ривожлантиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар қўйилади. Бу борадаги қатъий чоралар хусусий секторни ривожлантиришга янги туртки беради.

Шу муносабат билан миссия расмий идораларнинг энергия ресурслари билан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тартибга солинадиган нархларни босқичма-босқич ошириш орқали энергия ресурслари учун мавҳум субсидияларни қисқартириш бўйича стратегиясини, шунингдек, давлат мулки бўлган 1500 дан зиёд объектнинг корпоратив бошқаришни мустаҳкамлаш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорини ижобий баҳолайди.

Расмий идораларнинг солиқ-бюджет статистикасини эълон қилиш орқали маълумотлар ошқоралигини таъминлаш тўғрисидаги қарори ҳам эътиборга молиқдир. Муҳим иқтисодий ва ижтимоий ахборотдан фойдаланиш ва унинг сифатини янада ошириш амалга оширилаётган сиёсатни ҳақиқий маълумотларни қўлаб-қувватлаш ёрдамида мустаҳкамлаш имконини беради. Шу муносабат билан миссия расмий идораларнинг иллий ҳисоб-рақамлар статистикаси масаласи бўйича техник ёрдамни жалб этиш борасидаги режасини маълумлайди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий идоралари ва бўлиб ўтган учрашувларнинг бошқа иштирокчиларига самимий меҳмондўстлик ҳамда самарали мулоқот учун миннатдорлик изҳор этади.

саҳоси

Барча маъналардан олинган сўнги кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукусда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Фестиваль доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг туман ва шаҳарлари, олис овулларида «Депутат ва ёшлар», «Ҳоким ва ёшлар», «Сиз севган қаҳрамонлар», «Президентимиз асарлари билимдони», «Замонамиз қаҳрамонлари» ва бошқа йўналишдаги лойиҳалар асосида ўтказилган учрашувлар, давра суҳбатлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

• Самарқандда «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида сараланган 500 нафар иқтидорли ва ташаббускор ёшлар иштирок этди. Якуний натижаларга кўра, барча йўналиш ва номинациялар бўйича 33 нафар энг иқтидорли йигит-қиз аниқланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

• Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Окдарбонд кишлоғида «Қобул» хусусий қорхонаси томонидан қайта таъмирланган маданият ва аҳоли дам олиш маркази қурилишига 462 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Марказдаги 250 ўринли концерт зали, рубоб, доира, бахшичилик, рақс ва бичиш-тикиш тўғараклари замонавий тарзда жиҳозланди.

• Жиззахда «Соғлом оила — соғлом жамият» шиори остида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаси бўлиб ўтди. 15 май — Халқаро оила кuni муносабати билан вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази вилоят филиали, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган спортчи оилалар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Францияда жаҳондаги энг нуфузли киноанжуманлардан бири ҳисобланмиш анъанавий Канн кинофестивали ўз ишини бошлади. Олтинш саккизинчи бор уюштирилаётган ушбу киноанжуманнинг асосий дастуридан ҳамда алоҳида мукофот учун номзод сифатида 19 тадан фильм ўрин олган.

• Нуфузли «Forbes» нашри жаҳондаги энг қиммат футбол клубларининг рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатни уч йилдан буён қаторасига қиймати 3,26 миллиард долларга баҳолаган Испаниянинг «Реал» жамоаси бошқариб келмоқда. Ундан бир оз орқада қолган «Барселона»нинг қиймати эса 3,16 миллиард долларни ташкил этади. Англиянинг энг бой жамоаси «Манчестер Юнайтед»нинг жамғармаси 3,10 миллиард доллардан иборат бўлгани ҳолда ушбу клуб рўйхатда учинчи ўринни эгаллади.

• Жаҳондаги машҳур «Christie's» қиммоди савдо уйида расмол Пабло Пикассо қаламига мансуб «Жазоирлик аёллар» асари 179,4 миллион АҚШ долларига сотилди. Бу ҳозирга-ча ушбу аукционда сотилган энг қимматбаҳо санъат асари ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги иқтисодий-ижтимоий ислохотлар самараси, барқарор иқтисодий ўсиш ва юртимизнинг келажақ истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси кўп жиҳатдан хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги сир эмас. Бинобарин, бугунги кунда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама афзаллиги намойён бўлмоқда. Чунки, тадбиркорда сидқидилдан меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият учун жавобгарлик, маблағлардан самарали фойдаланиш масъулиятининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда ва бу ишбилармонларнинг турли-туман зарур мол-маҳсулотларни ишлаб чиқариб, мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Бу ҳақда Президентимиз 2015 йил 16 январь куни бўлиб ўтган, мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида, шунингдек, пойтахт сайловчилари билан 17 март куни бўлиб ўтган учрашувда ҳам алоҳида таъкидланган эди.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлики ривожлантириш ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва кафолатлар бериш борасида ишончли ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилганлиги ва бу жараённинг тобора тақомиллашиб бораётганлигини қайд этишимиз лозим.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг тадбиркорлики қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор Фармонлари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Қонуннинг 18-моддасида хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги кафолатланган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари хомашё, товарлар ва хизматлар бозорларида эркин киришда, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда тенг имкониятларга эга эканлиги мустахкамлаб қўйилган.

Энг муҳими, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашуш ҳуқуқига эга эмаслиги Қонунда қатъий белгилаб қўйилган.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига Тошкент шаҳрида жами 51.748 та юридик шахслар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 43.768 таси кичик бизнес субъектлари эканлиги эътиборга сазовордир. Энг муҳими, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларнинг иқтисодиётдаги салмоғи тобора ортиб, бугунги кунда 59,5 фоизни ташкил этмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида пойтахтимизда яқна тартибдаги тадбиркорлик ҳамда кичик корхоналар, микрофирмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳисобига 16 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилганлиги аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги Давлат дастурига қўшилган салмоқли улуш ҳисобланади.

Шу билан бирга, бугунги кунда шахримизда турли сабабларга кўра фаолият кўрсатмаётган корхоналар миқдори 10 фоизни ташкил этмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар қoшида тузилган махсус комиссиялар томонидан қўрилган чоралар натижасида жорий йилнинг ўзида юздан ортиқ корхонанинг фаолияти қайта тикланиб, тадбиркорлик субъектларининг келгусида самарали иш юритиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиб берилди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорлари-га асосан «Яккасарой туманидаги-собик Тўқимачилик комбинати ўрнида «Яккасарой технопарки», Юнусобод туманидаги собик «Ўқчишўқмаш» заводи ўрнида «Пойтахт технопарки» ва Сергели туманидаги собик «Тошэлектромаш» корхонаси ўрнида «Пойтахт технопарки» каби тадбиркорлики ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишда жуда қўл келувчи янги тузилма ташкил этилди. Яъни, фаолият кўрсатмаётган корхоналардаги бўш турган бинолар, иншоотлардан унумли фойдаланилиши натижасида технопаркларнинг ўзида мингдан ортиқ янги иш ўринлари ва тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитлар яратилганлиги эътиборга моликдир.

Шаҳар прокуратураси органлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни бажара бориб, жорий йилда ўтказилган 22 та текшириш натижаларига кўра тадбиркорлик соҳасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан давлат назорат органларига нисбатан 200 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Бинобарин, прокурорларнинг 129 та протести асосида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини чекловчи турли ноқонуний қарор ва фармойишлар бекор қилинди. Қонунбузилишларга йўл қўйган 30 нафарга яқин мансабдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Прокурор назорати жараёнида 69 та тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдамлар кўрсатилди ва 128 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Пойтахт прокуратураси идоралари томонидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назорат амалга оши-

рила бориб, энг аввало маҳаллий давлат ҳокимияти, ички ишлар, солиқ органлари, банклар билан ҳамкорликда мулкдорлар ва тадбиркорлар билан уларнинг ҳуқуқий муқофазасини таъминлаш юзасидан очик мулоқотлар тарзидаги учрашувлар ўтказишга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, мана шундай очик мулоқотлар давомида тадбиркорлик ривожига тўққинчи қилаётган айрим камчилик ва муаммолар аниқланиб, уларнинг бартараф этилиши учун имконият яратилди.

Очик айтиш керакки, давлатимиз ва халқимиз тадбиркорлигини ривожланишидан манфаатдор. Чунки тадбиркорлик биринчидан, давлатнинг иқтисодий мустахкамлигини таъминласа, иккинчи томондан аҳоли учун бўш иш ўринлари яратилади, уларни банд қилади, шу тариқа оилалар тинчлиги ва оёсайишталиги таъминланади, турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олди олинади.

Айнан ана шу хайрли мақсад йўлида жорий йилнинг

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

ўтган тўрт ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида 100 га яқин учрашувлар ўтказилиб, унда қатнашган 4 мингдан ортиқ тадбиркордан 502 нафарига уларни қизиқтирган саволлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, 37 нафарига зарур амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунга қарамай, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳали-ҳануз айрим маъмурий гов ва тўсиқлар сақланиб келмоқда, баъзи давлат идораларининг мансабдор шахслари томонидан ишбилармонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилаётгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Шаҳар прокуратураси органларининг «ишонч телефонлари» га шу йилнинг ўзида келиб тушган 150 тага яқин мурожаатлар ҳам фикримиз далилидир. Ушбу мурожаатлар алоҳида назоратга олиниб, қисқа вақт мобайнида қўриб чиқилиш натижасида 40 таси қаноатлантирилган бўлиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш ва уларнинг ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган маъмурий чораларнинг қўлланилиши таъминланди.

Зеро, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонида назорат органлари мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари тадбиркорлик субъектларига текширишлар ўтказганиликлари учун шахсан жавобгар бўлишлари ҳақидаги муҳим талаб ўрнатилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони билан текширишлар ўтказиш амалиёти қатъий тартибга солинган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиручи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси ваколати остида жами 21 та турли назорат қилувчи органлар бўлиб, улар томонидан 2014 йилда ўтказилган текширишлар сони аввалги йилга нисбатан 639 тага ёки 13,9 фоизга қисқарган.

Жорий йилда текширишларни қисқартириш амалиёти давом эттирилгани ҳолда, тадбиркорлик субъектларида режадан ташқари текшириш ўтказиш учун етарли асослар бўлмаганлиги сабабли бунга рўхсат берилмаган.

Ушбу соҳада назорат қилувчи органларнинг амалдаги қонунчиликка риоя этишларининг аҳоли, улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги прокуратура органлари томонидан тизимли равишда ўрганиб борилаётди. Аниқланган ҳар бир қонунбузилиши ҳолатлари бўйича тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига янги, 241-1-модда киритилган бўлиб, унда «қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўққинчи қилиш» учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Авалги йилларга нисбатан тадбиркорлик субъектларида ўтказилаётган ноқонуний текширишлар сони сезиларли даражада камайган бўлса-да, жорий йилнинг ўтган даврида 4 та шундай ҳолат аниқланиб, назорат қилувчи органлар ҳодимлари прокурор қарорлари асосида қоридидаги модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортилди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Қарори билан тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобот топшириш тизимининг тақомиллаштирилган бўлишига қарамайдан, жорий йилнинг ўзида давлат ташкилотлари томонидан тадбиркорлардан 35 та ҳолатда ортиқча ҳисоботлар ва маълумотлар талаб қилиб олиниши билан боғлиқ қонунбузилишлар аниқланиб, прокуратура органларининг қарорларига асосан айбдор ҳодимларга нисбатан тегишли маъмурий чоралар қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам янги, «ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қўнғунга ҳилоф равишда аралашуш», деб номланган 206-1-модда киритилган бўлиб, у тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга бу борада мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлигини ҳам белгилайди.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қўнғунга ҳилоф равишда аралашуш орқали тадбиркорлар ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ҳолатлари бўйича 2014 йилда ҳамда ва жорий йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-1-моддаси ва бошқа моддалар билан назорат қилувчи органлар ҳодимларига нисбатан жами 6 та жиноят ишлари қўзғатилиб, уларнинг жиноий жавобгарлигининг муқаррарлиги таъминланган.

Маълумки, Президентимиз Фармонлари асосан жорий қилинган тартиб бўйича эндиликда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари, шу жумладан молиявий санкциялар қўллаш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш каби чекловлар фақат суд қарорлари асосида амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида Тошкент шаҳар Ҳўжалик судида тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ 800 дан ортиқ ишлар қўрилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини прокурор ваколатлари ёрдамида ҳимоя қилиш мақсадида ушбу ишларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланди.

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарималар қўллаш ҳақидаги ишлар ҳам назоратга олинган бўлиб, судда қўрилган 159 та даъво аризасидан 6 та ҳолат бўйича назорат органларининг 113,8 млн. сўм жарима ундириш ҳақидаги асоссиз талаблари рад этилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

Шу каби, лицензия асосида фаолият юритиб, қонунбузилишларга йўл қўйган айрим тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ 25 та иш прокурор иштирокида судда қўрилган бўлиб, уларнинг 4 таси бўйича назорат органларининг асоссиз талаблари рад этилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Бундан ташқари, ҳўжалик судининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарилган 11 та қарорлари бўйича шаҳар прокуратураси протестларига асосан тадбиркорлар манфаатларини таъминловчи қарорлар қабул қилинган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йили прокуратура органлари фаолиятига ҳам дахлдор бўлган муҳим ҳужжат имзоланди.

Яъни, 2014 йил 24 июлда қабул қилинган «Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент Фармонида асосан Бош прокуратурада қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси ва унинг қўйи тизимларида тегишли бўлимли ташкил этилди. Ушбу бошқарманинг асосий вазифалари қаторидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш алоҳида ўрин эгаллади.

Шу ўринда, тадбиркорлар эътиборига қўйиладиганлири ҳам ҳавола этмоқчимиз. Прокурор назорати шуни кўрсатмоқдаки, назорат қилувчи органлар томонидан барча тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширишлар давомида назорат-касса машиналарини қўллаш, нақд пул маблағларининг банддан ташқари муомаласи, савдо қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ қўллаб қонунбузилишлар аниқланган ва улар бўйича тегишли чоралар қўрилган.

Конституциянинг ва қонунларимизда тадбиркорлик субъектларига қўллаб ҳуқуқлар ва имтиёзлар берилётган бир пайтда, тадбиркорлар томонидан қонунбузилишларига йўл қўйилиши жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Унутмаслик керакки, кимнинг ҳуқуқи борки, албатта унинг тегишли мажбурияти ҳам бўлади. Бундан тадбиркорлар турри ҳулоса чиқаришлари лозим.

Зеро, Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил яқунларида бағишланган мажлисида, шунингдек, Президент лавозимига қиришмиш бағишланган Олий Махлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларида таъкидланганлигидек, «Биринчи навбатда Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган қўл тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча гов ва тўсиқларни йўқ қилиш — биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор».

Мирзоҳид ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КЎМАК ВА ИМТИЁЗЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш доирасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ҳамда тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллийлаштириш даражасини ошириш импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий хом ашё ва ресурслардан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқаришга янги ва замонавий технологияларни жалб этишда, шунингдек, иқтисодиётимиз ривожининг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбатида шулар ҳусусида сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида 2010-2014 йилларда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналар томонидан 46 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўн мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш 2,3 баробар ошди.

Давра суҳбати иштирокчилари аломиний ва ПВХ профилли эшик ва ромлар учун аксессуарлар тайёрлайдиган «Technology De Laveni» масъулияти чекланган жамияти, энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқарадиган «Vesta Electric» хорижий корхонаси ва «Plastic Modernity» қўшма корхоналарининг фаолияти ва улардаги технологиялар билан яқиндан танишди.

Тадбир давомида маҳаллийлаштириш дастурларини амалга оширишда ишлаб чиқарувчиларга янги имтиёз ва қўлайликлар яратиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, бу йўналишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўртимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш соҳасида тизимли ва изчил ислохотлар олиб беришмоқда. Соҳани янада ҳаддан ривожлантиришни таъминлаш учун бор қуч ва имкониятларни ишга солиш зарурлиги тадбирда алоҳида айтиб ўтилди. Шунингдек, соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштиришга доир қатор тақлифлар билдирилди.

(Ўз. мухбирими)

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТАҚОМИЛЛАШМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»-ги қонун ижроси доирасида Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси вакиллари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти томонидан пойтахтимизни электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, энергетика тизимини яхшилаш мақсадида қурилаётган янги иншоотлар ҳамда тармоқда олиб борилаётган реконструкция ва модернизация ишлари борасида маълумот берилди.

Ўртимизда юридик ва жисмоний шахсларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Янги-янги энергия етказувчи объектлар ишга туширилиб, эскилари реконструкция қилинмоқда. Бу борада пойтахтимизда ҳам салмоқли ишлар қилинаётди.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти маълумотларига кўра, бугунги кунда шаҳримизда 595 мингдан ортиқ жисмоний ва 18 мингдан зиёд юридик шахс электр таъминоти хизмати-дан фойдаланмоқда. Уларга электр энергиясини сифатли етказиш мақсадида марказлаштирилган электр таъминоти тармоқларини модернизациялашга эътибор қарати-ланган. Жорий йилда Олмазор туманида «Навий» подстанцияси қуриб ишга туширилди. Йил якунига қадар Учтепа туманида ҳам янги подстанциянинг фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ҳаво ва кабелъ линияларининг 900 километрдан ортиқ электр тармоқларини реконструкция қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ҳаво линиялари очик турдаги симлардан замонавий изоляцияланган симларга алмаштирилмоқда. Зўриқиб иш-лаётган мавжуд электр тармоқлари оқмасини камайт-ириш, маҳаллалар, барча маъмурий туманлардаги истеъмолчилар электр таъминотини яхшилаш учун 6-10 кВ қучланишли 400 дан ортиқ трансформатор-лар подстанцияси қурилиб, фойдаланишга топширил-ди. Эскирган ва нуқсонли 0,4-6-10-35 кВли кабелъ линияларининг 540 километрдан ортиқ участкаси ян-гисига алмаштирилди.

Анқуманда фойдаланилган электр энергиясини ҳисоб-га оладиган замонавий приборларни жорий этиш маса-ласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ҳозирда назорат қили-нинг автоматлаштирилган тизимига уланган замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Ушбу тизим ис-теъмоли ҳисоблагичидаги ахборот, истеъмол миқдори ва тўлов тўғрисидаги маълумотни ўқий имконини бера-ди. Шунингдек, электр энергиясини талон-торож қилиш мақсадида рўхсат этилмаган уланешларга имкон бер-майди. Ҳозирча бу тизим Бектемир тумани аҳолисига тўлқ жорий қилинди. Яқин орада Миробод, Мирзо Улғу-бек ва Яккасарой туманлари истеъмолчилари ҳам ушбу тизимга уланади.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган савол-ларга атрофлича жавоб олишди.

Абдували СОДИКОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЛҲОМЛАНТИРАЁТГАН ФЕСТИВАЛЬ

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочилари республика кўрик-фестивалининг саралаш жараёни қизғин давом этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари билашмаси томонидан ташкил этилган мазкур кўрик-фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган истеъдод соҳиблари иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодининг ижодий-интеллектуал салоҳиятини кашф этиш, эзгу орзу-интилишларига қанот бағишлаш масалалари-га доимий эътибор қаратилмоқда.

Навқирон авлод қамоли йўлида кўрсатилётган бу эътибор санъатнинг барча йўналишлари каби опера бўйича изланаётган йигит-қизларнинг қобилиятини юзага чиқаришда, истеъдодини тўғри тарбиялашда ҳам амалий ифодасини топмоқда.

Опера мусиқа санъатининг энг серзаҳмат турларидан бири бўлиб, ижрочи чинакам маҳорати, ижодий салоҳияти, истеъдоди, сўзни ҳис этиш, овоз имкониятини бор бўй-баста билан намойён этади. Иккинчи маротаба ўтказилаётган «Ёшлик баҳори» кўрик-фестивали юртимиз-нинг қайси ҳудудига бўлмасин,

ёшлар мазкур йўналишда ҳам фаол ва тинимсиз ижодий изла-нишда эканини яна бир қарра на-моён этмоқда.

